

СИРДАРЁ ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ АЖРИМИ

(даъво аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақида)

2023 йил 06 июнь

Сирдарё тумани

Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг судьяси У.Курбанов раислигида, судья ёрдамчиси С.Сайданов котиблигида, Д манфаатида нинг Ж дан 154 244 249 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни даъвогар вакили К (22.05.2023 йилдаги 364-сонли ишончнома асосида) иштирокида Сирдарё туманлараро иқтисодий суди биносида ўтказилган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И :

Д (кейинги ўринларда “даъвогар” деб юритилади) манфаатида (кейинги ўринларда “палата” деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Ж (кейинги матнларда “жавобгар” деб юритилади)дан 154 244 249 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Судда даъвогар вакили жавобгар билан 2023 йил 30 майда медиатив келушув тузилганлигини билдириб, даъвоани кўрмасдан қолдириш ҳақида судга ариза такдим этди.

Суд, ишда иштирок этган даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ва суд муҳокамаси жараёнида такдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан палатанинг даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 131-моддасига биноан тарафлар низони келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб ҳал этиши мумкин.

Келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

ИПКнинг 107-моддаси биринчи қисми 5³-бандига асосан тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, тарафлар ўртасида 2023 йил 30 май куни медиатив келишув тузилган бўлиб, медиатив келишувга кўра жавобгар қарздорликни 2023 йил 31 августига қадар тўлаб бериши, Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг 4-1202-2301/689-сонли иқтисодий иши медиация тартибида ҳал этилганлигини билан тасдиқлашган, олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати жавобгар зиммасида қолдирилиши белгиланган.



Суд даъвогар раҳбари томонидан тақдим этилган 2023 йил 30 майдаги медиатив келишувни ўрганиб, тарафлар низони ўзаро медиатив келишув йўли билан ҳал қилганликларини, яъни иқтисодий суд ишини юритишда низони ҳал этишга кўмаклашганлигини инобатга олиб, палатанинг даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 18-моддаси биринчи қисми 9-бандига кўра агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божи қайтарилиши лозим, бироқ ушбу Қонуннинг 9-моддаси биринчи қисми 2-бандига асосан палатанинг даъво аризаси олдиндан давлат божи тўловисиз иш юритишга қабул қилинганлигини инобатга олиб, давлат божини ундирувсиз қолдириб, олдиндан тўланган почта харажатларини даъвогар зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 107, 108, 109, 130, 131, 170, 195-моддаларини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л д и :

Д манфаатида нинг ж дан 154 244 249 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги 4-1202-2301/689-сонли иқтисодий иш бўйича даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Иш бўйича давлат божи ундирувсиз қолдирилсин, почта харажати тўланганлиги инобатга олинсин.

Мазкур ажримдан норози тараф қонунда белгиланган муддатда шу суд орқали Сирдарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши мумкин.

Судья

У.Курбанов

